

---

## МУСУЛМОНЛАР ЖАҲОН ЛИГАСИ ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров Қувайт ва Саудия Арабистонига ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришни кўзда тутган амалий ташриф давомида Маккада Мусулмонлар Жаҳон Лигаси Бош котиби ўринбосари Абдурахмон ал-Зайд билан учрашди.

Самимий мулоқот чоғида мамлакатимизда сўнгги йилларда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган салмоқли ишлар, Ўзбекистоннинг диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлашдаги бой тажрибаси, ўзбек алломаларининг Ислом цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида фикр алмашилди.

Самимий қабул учун миннатдорчилик билдирган вилоят ҳоқими, Мусулмонлар Жаҳон Лигаси томонидан Ислом оламида кўплаб хайрли ишлар олиб борилаётганини, ташкилот томонидан Ўзбекистоннинг бағрикенглик маданияти ғояларини тарғиб этишга қаратилган халқаро ташаббуслари қўллаб-қувватланаётганини қайд этди.

Хайрулло Бозоров Фарғонада ислом фикҳининг ривожланишига ҳисса қўшган аллома Бурҳониддин Марғиноний илмий меросини тадқиқ этувчи кўркам мажмуа қурилиши ишлари бошланаётганлигини ҳам маълум қилди.

Мусулмонлар Жаҳон Лигаси вакиллари томонидан ушбу мажмуага қизиқиш билдирилиб, лойиҳани амалга оширишда кўмак кўрсатишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Жорий йил январь ойида Қувайтнинг “Gulf Care General Trade” компанияси шифокорлари Мусулмонлар Жаҳон Лигаси молиявий кўмаги билан Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида вилоятимиздаги эҳтиёжманд оила фарзандлари учун 60 та юқори технологик мураккаб жарроҳлик амалиётлари, шу жумладан, интервенцион кардиологик амалиётларини бепул ўтказиб беришганди.

Ушбу хайрия тадбирини давом эттиришга ҳамда кўламини янада кенгайтиришга келишиб олинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-05-01 20:17:23